

БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА АКМЕОЛОГИК МОТИВАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВНИ АҲАМИЯТИ

*Пармонов Акмал Абдупаттоевич
ҚДПИ мустақил тадқиқотчиси.*

Аннотатсия: Замонавий таълим муассасаси учун акмеологик ёндашув бугунги кунда келажакли ва истиқболли бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, юқори марраларга эришишга таъсир этиш мумкин бўлиши учун субъектга комплекс текширув ўтказилиши ва яхлитлигини қайта тиклаши, етукликка эришишга ўтишда, унинг индивид, шахс ва субъект сифатида фаолият характеристикаси барча ўзаро алоқадорликлар ва вужудга келтирувчи сабаблар билан биргаликда ўрганилади.

Калит сўзлар: Таълим, индивид, субъект, шахс, мотивлар, кредит-модул, аксиологик, қадрият, ҳиссиёт.

Аннотация: Акмеологический подход для современного образовательного учреждения сегодня ориентирован на будущее и перспективен, его суть состоит в том, что всестороннее исследование предмета и восстановление его целостности с целью влияния на достижение высоких целей, на переход к зрелости, характеристики его деятельность как индивида, человека и субъекта исследуется вместе с корреляциями и причинами.

Ключевые слова: Образование, индивид, субъект, личность, мотивы, зачётный модуль, аксиологический, ценностный, эмоция.

Жаҳон миқёсида компетенциявий ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик қобилиятини таркиб топтириш, кредит-модул тизими шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг юксак касбий фаолиятини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бўлажак педагогларни тайёрлаш жараёнига инновацион технологияларини кенг жорий этиш, акмеологик ёндашув асосида талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, талабаларнинг индивидуал таълим траекториясини самарали ташкил этиш орқали билиш фаоллигини ошириш муҳим ўрин эгалламоқда. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларнинг таълимий фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини акс эттирувчи интегратив ўзига хослик сифатида компетенциявий ёндашув билан кредит-модул тизимининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Замонавий таълим муассасаси учун акмеологик ёндашув бугунги кунда келажакли ва истиқболли бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, юқори марраларга эришишга таъсир этиш мумкин бўлиши учун субъектга комплекс текширув ўтказилиши ва яхлитлигини қайта тиклаши, етукликка эришишга ўтишда, унинг индивид, шахс ва субъект сифатида фаолият характеристикаси барча ўзаро алоқадорликлар ва вужудга келтирувчи сабаблар билан биргаликда ўрганилади. Бу таълимдаги инновацион ёндашувлардан бири бўлиб, бўлажак ўқитувчи ўз, шахсий акмесини аниқлаб олиши учун унда ўша танлаган ихтисослигига нисбатан кучли ундовчи мотивлар, ҳаётда эса муваффақиятларга эришиш мотиви ёки ютуқларга эришиш эҳтиёжи кучли ривожланади.

Ҳозирги вақтда аксиологик ёндашувга қизиқиш ижтимоий-маданий муҳитдаги ўзгаришларнинг юзага келиши билан боғлиқ. Жамиятдаги ўзгаришлар билан боғлиқликда янги кадриятларни излаш айнан ижтимоий беқарорлик мавжудлиги шароитида алоҳида аҳамият касб этади. В.П.Зинченко XX аср умуминсоний кадриятларнинг энг юқори даражада кадрсизланиш даври деб айтиш мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Ана шу сабабли янги минг йилликда илмий жамоатчилик инсоният томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган кадриятларни аниқлаш, тартибга солиш ва тизимлаштиришга фаол ҳаракат қилмоқда.

Аксиологик ёндашувнинг замонавий таълим муаммоларини ҳал этиш имкониятлари ва унинг асосий жиҳатлари хорижлик олимлардан Л.В.Вершинина, М.Г.Казакина, А.В.Кирьякова, З.И.Равкин, республикамиз олимларидан Ж.Туленов, Қ.Назаров, Б.Ходжаев, Ш.Тайланова каби олимлар томонидан ўрганилган.

Воқеликни ўрганишда илмий билишнинг бошқа усуллари билан бирга аксиологик ёндашув ҳам катта аҳамият касб этади. Илмий билишда олам, ундаги нарса, воқеа, ҳодиса ва бошқалар кадриятнинг инсон онгида акс этиши, кадриятни англашнинг реалликка мос келиш қонунлари, даража ва имкониятлари, унинг меъёр ва мезонларини аниқлаш ниҳоятда муҳим. Бунга умумий билиш назарияси (гносеология) билан бир қаторда ижтимоий ва табиий фанларнинг маълумотларига, айниқса, олий асаб системасининг физиологияси, ҳиссиёт органлари ва ақлий фаолиятнинг далилларига, мантиқ, тилшунослик каби фанларнинг ютуқларига таянилади. Кадриятларни англаш, ўрганишда ҳиссий ва ақлий билишнинг уйғунлиги, ҳукм, ҳулосаларнинг тушунча, атама ва белгиларни умумлаштириши, табиий ва ижтимоий воқеликдаги аксиологик жараёнларни таҳлил қилиш, уларга таяниб амалий фаолият юритиш бир-бири билан боғлиқ узвий жараённи англатади.

Хаёт ҳодисаларига ижтимоий-социологик ёндашилганида воқеа ва жараёнлар орасидаги ўзаро боғлиқлик, тарихий алоқадорлик, сабаб ва оқибат боғланишининг ифодаси бўлган узлуксизликка аҳамият ортади. Бундай ёндашув кадриятларга, улар билан боғлиқ жараёнларга нисбатан қўлланилганида яхши илмий ва амалий натижа беради. Бунда кадриятлар тартибсиз намоён бўладиган ва бир-бири билан боғланмаган ижтимоий ҳодисалар сифатида эмас, балки у ёки бу давр, ижтимоий субъектлар ва бошқалар билан боғланган аксиологик системалар ҳамда уларнинг элементлари сифатида намоён бўлади. Кадриятларга бундай ёндашишда ижтимоий фанларнинг ютуқлари, тарих, этнография, демография ва социологик тадқиқотларнинг натижаларига таяниш қўл келади.

Аммо кадриятларни ўрганишда фақат ана шулар билан чегараланиб қолиш ярамайди. Балки реаллик, уни намоён бўлиш шакллари, воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг кадри, ижтимоий аҳамиятини англаш ҳам ниҳоятда муҳим. Бунда уларнинг ижтимоий функциялари, ўзига хос ташқи таъсирини англаш катта аҳамият касб этади. Фақат аксиологик ёндашув асосида кадриятларнинг илмий категория сифатидаги моҳияти, бошқа тушунчалардан фарқи, объектив асослари ва субъектив англаб олинishi, намоён бўлиш шакллари ҳақида тўғри маълумотлар олиш мумкин. Бунда нарса, воқеа, ҳодисалар, кишилар ва уларнинг фаолиятига кадр ва кадрланиш даражаси нуқтаи назаридан қаралади. Мазкур қарашда фойдалилик, қиймат ва уларни ифодалайдиган иқтисодий баҳо эмас, балки кадрнинг аҳамияти асосий ўрин тутаети. Бунда кадр ва баҳо бир бирига мос келмайдиган, нарса ёки объектнинг кадри унинг иқтисодий қийматидан бир неча марта салмоқлироқ бўлиши ҳам мумкин бўлган ҳоллар кўп учрайдети. Масаланинг бу жиҳатини ўрганиш ахлоқшунослик, эстетика, ҳуқуқшунослик, маданиятшунослик, сиёсатшуносликнинг далилларига ва маънавийнинг ижтимоий қирраларига таянади. Бунда, айниқса, иқтисодий, сиёсий, маънавий фаолият ва жараёнларнинг жамият ҳамда ижтимоий субъектлар учун аҳамияти, ҳаётнинг турли қирраларини акс эттирайдиган муаммолар ҳамда уларнинг ечимларини ифодалайдиган қарашлар, ғоялар, таълимотлар, талаб ва эҳтиёжларнинг реал жараёнлар учун кадр-қимматини аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Демак, оламни ўрганиш ва реалликнинг қонуниятларини тавсифлашда гносеологик, социологик ва аксиологик ёндашувларнинг уйғунлиги, зарур бўлганида улардан фойдаланишда комплекс муносабат лозим.

Фанда инсон онгини, унинг физиологиясини ўзгартириш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар илмий билиш нуқтаи назаридан муҳим. Курол-яроғларни такомиллаштириш, атом-ядро соҳасидаги кашфиётлар ҳам илмий

билиш чегарасини кенгайтиради. Биологик ва химик жараёнларнинг янги қирраларини очиш, генлар инженерияси, психотерапия соҳасидаги тадқиқотлар ҳам билимларга билим қўшмоқда. Аммо уларнинг инсон ҳаёти учун аҳамияти қандай? Улар ҳақиқий кадриятларга хизмат қиладими? Бу соҳаларда янгиликнинг ёки фойданинг қўлга киритилиши натижасида умуминсониятга яхшилик келтирадими? Баъзи иқтисодий фойдаларнинг қадрини ниҳоятда оз, улар аслида инсониятга зиён келтириш эмасми? Бу муаммоларга аксиологик ёндашув уларни тўғри англаш имконини беради. Янги ерларни ўзлаштириш, дарёларни ўз ўзанидан бошқа ёққа буриш, тиббий муолажада қисқа муддат фойдали бўлган баъзи дори-дармонлардан (допинг) фойдаланиш борасида аксиологик ёндашувга асосланилмаганлиги тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо, афсуски, жаҳоннинг баъзи жойларида ҳалигача бу соҳаларга ғайриаксиологик қараш мавжудлигини, бунда кўпроқ иқтисодий фойда олиш ва кундалик мақбулликнинг орқасидан қувиш устувор бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бутун жаҳонда бундай йўлдан боришнинг ҳалокатли эканлиги эътироф этилмоқда ва ривожланишнинг самарали йўллари таклиф қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, одамзот насли фойда билан бирга кадрга ҳам кўпроқ эътибор бериши лозимлигини аста-секин англаб олмоқда. Лекин бу жараён ниҳоятда секин амалга ошмаяптими? Ҳарбий курулларнинг янги нусхаларини, уларни олиб учадиган ракета ва самолётларнинг янгиларини кўз-кўз қилишга, уларни сотиб, миллионлаб фойда олаётган мамлакатларнинг ютуқларига маҳлиё бўлаётган инсоният қадрлаш ва ҳақиқий кадрли маҳволарга интилишда имкониятларни қўлдан бой бераётгани йўқми? Бу муаммолар ҳам ижтимоий ҳодиса ва жараёнларга аксиологик ёндашишнинг моҳияти, амалий аҳамияти ва қадрини янада кенгроқ изоҳлаб беришни, бу усулни оммавийлаштириш заруриятини вужудга келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. THE ROLE OF THE ACMEOLOGIST APPROACH IN THE DEVELOPMENT OF ACMEOLOGICAL MOTIVATION IN FUTURE PHYSICAL EDUCATION TEACHERS. Parmonov Akmal Abdupattayevich <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR.2023> y.

2. IMPROVING THE SYSTEM OF TRAINING TEACHERS OF FUTURE PHYSICAL EDUCATION AND INTRODUCING INNOVATIVE-MOTIVATIONAL APPROACHES TO IT. Parmonov Akmal Abdupattoyevich. <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR.2023> y

3. Abdupattayevich, P. A. (2022). Specific methods and tasks for the physical development of primary school students with the help of games. International journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277 -3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 331-333.

4. Abdupattaevich P. A. Technology of formation of akmeological position in future teachers //World Bulletin of Social Sciences. – 2021. – Т. 5. – С. 112-115. <https://www.scholarexpress.net>

5. Талипджанов А. А., Нурматов Б. Б., Пармонов А. А. Учебно-тренировочный процесс по футболу //International conference: problems and scientific solutions. – 2022. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7332922>

6. IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF THE TRAINING PROCESS OF STUDENTS. Parmonov Akmal Abdupattayevich. ISSN 2277-3630 (online), Published by International journal of Social Sciences & September-2023 .<https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR>

7. METHODOLOGICAL DOCTRINE OF THE ORGANIZATION OF THE PROCESS OF PHYSICAL EDUCATION THROUGH NATIONAL TRADITIONS. Vol 10 Issue 06, June 2021. Nurmatov Bakhrom Bektemirovich Parmonov Akmal Abdupattoevich. <https://ijiemr.org/downloads/Volume-10/ISSUE-6>

8. IMPROVEMENT OF AKMEOLOGICAL MOTIVATION OF FUTURE PHYSICAL EDUCATION TEACHER. Vol. 2 No. 12, December 2021. ISSN: 2660-5570. <https://www.scholarzest.com>

9. SPECIFIC METHODS AND TASKS FOR THE PHYSICAL DEVELOPMENT OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS WITH THE HELP OF GAMES. IJSSIR, Vol. 11, No. 10. October 2022. <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR>

10. MODEL FOR THE DEVELOPMENT OF ACMEOLOGICAL MOTIVATION IN FUTURE PHYSICAL EDUCATION TEACHERS ON THE BASIS OF AN AXIOLOGICAL APPROACH. NTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE " INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION" 2023 Munchen, (Germany)

9.Akramjonovich, Y. I., & Ismoilovna, Y. F. (2023). Fitness development and training in youth education. Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research, 10(11), 492-495.

10.Kudratshoevich, S. E. (2023). Monitor of the student's physical culture formation. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 11(4), 204-211.

11.Umarov, A. A., & Umarova, Z. U. (2023). Talaba-yoshlarni jismoniy sifatlarini rivojlantirishda milliy va harakatli o'yinlarning o'rni. Scientific progress, 4(1), 260-265.

12. Саруханов, А. А., Азизов, М. А., & Муминов, Ш. И. (2022). Исследование функциональных показателей юных пловцов. Youth, science, education: topical issues, achievements and innovations, 1-6.

13.Urinboevna, U. Z., Burkhanovich, D. B., & Ismailovna, Y. F. (2022). New technologies for the development of strength qualities Youth. International journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(11), 220-224.

14.Akramjonovich, Y. I., & Ismailovna, Y. F. (2023). Development and Improvement of The Motor Qualities of Volleyball Players Based on The Educational and Training Process. Journal of Advanced Zoology, 44(S6), 1499-1503.

15.Ilyosovich, M. S. (2023). Improving physical education of students with fatigued health. International journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 12(10), 32-35.

16. G'ayratovich, S. S., & Akramjonovich, Y. I. (2023). Development principles of young sportsmen's strength by updated technologies. International journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 12(12), 32-34.

17.Dexqonov B.B. (2022). Spiritual Training of Young Athletes. International journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(04), 144-146.

18.Abdukhamidovich, Moydinov Iqboljon. "IMPROVING THE FUNCTIONAL SKILLS OF THE BELT WRESTLER." Open Access Repository 9.9 (2023): 109-114.

19.Abdukhamidovich, Moydinov Iqboljon. "DEVELOPING TECHNICAL TRAINING OF WRESTLERS WITH SPECIAL MOVING GAMES." Open Access Repository 9.9 (2023): 130-136.

20.Abdukhamidovich, Muydinov Iqboljon, Sarukhanov Arsen Albertovich, and Azizov Mukhammadjon Azamovich. "Physical culture as a motor factor of mental performance of adolescents." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.11 (2022): 128-134.